

5-27-2019

GADA AL-SAMMAN AND ZULFIA WILL STRENGTHEN THE MOTHER'S OBJECTIVE IN THE STORY

Abdullayeva Dilafruz
d.abdullayeva@mail.ru

Follow this and additional works at: https://uzjournals.edu.uz/or_stud

 Part of the [Classical Literature and Philology Commons](#)

Recommended Citation

Dilafruz, Abdullayeva (2019) "GADA AL-SAMMAN AND ZULFIA WILL STRENGTHEN THE MOTHER'S OBJECTIVE IN THE STORY," *Oriental studies*: Vol. 1 : Iss. 2 , Article 2.
Available at: https://uzjournals.edu.uz/or_stud/vol1/iss2/2

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Oriental studies by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact brownman91@mail.ru.



ГАДА АС-САММАН ВА ЗУЛФИЯ ҚУРОЛБОЙ ҚИЗИ ҲИКОЯЛАРИДА “ОНА” ОБРАЗИ РУҲИЯТИ ТАЛҚИНИ

АБДУЛЛАЕВА ДИЛАФРУЗ

Ўқитувчи, ТДШИ

Аннотация. Мустақиллик йилларида миллий адабиётимиз шиддат билан ривожланиб, сўнги йилларда адабий жараёнларнинг турли босқичларини босиб ўтмоқда. Исажон Султон, Хуришид Дўстмуҳаммад, Улугбек Ҳамдам, Зулфия Қуролбой қизи, Абдуқайюм Йўлдош, Назар Эшонқул каби адиблар ижодида бугунги кун муаммолари, инсон ва жамият мавзуси, оилавий ришталар, шахс ва унинг руҳияти масалалари, инсон экзистенцияси каби масалалар қаламга олинди, модернизм ва постмодернизм элементлари билан йўғрилган ҳолда баён этилмоқда. Мазкур мақолада атоқли араб адибаси, “Ҳикоянавислик шоираси” дея эътироф этилувчи Сурия-Ливан ёзувчиси Гада ас-Самман (1942 йилда Дамашқ шаҳрида таваллуд топган) ва ўзбек ёзувчиси Зулфия Қуролбой қизи (1966 йилда Жиззах шаҳрида таваллуд топган) ҳикояларининг қиёсий таҳлилига бағишланган бўлиб, унда ёзувчиларнинг услуби ва психологик таҳлил маҳоратлари, “Она” образи ва руҳиятининг икки миллат адибалари ҳикояларидаги талқини, она қисматида фарзанд ва унинг аҳамияти, шунингдек, бефарзанд аёл тақдири ва бефарзандликнинг аёллар тақдирига таъсири ва шу вазиятга тушиб қолган образлар таҳлили масаласи, образлар руҳиятини очиб беришидаги ёзувчининг услуби ва маҳорати, шунингдек, икки миллат адибалари ижодидаги муштараклик ва зоялар тўқнашуви тадқиқ этилган.

Таянч сўз ва иборалар: Гада ас-Самман, Зулфия Қуролбой қизи, ҳикоя, “Деразадан мўраларди тонг”, “Ёзсиз йил”, “Куйган шаҳар”, “Охирги куш қўриқчилари”, “Ёлғизлик қурбони”, “Она” образи.

Аннотация. За годы независимости наша национальная литература быстро развивается и за последние годы прошла различные этапы литературного процесса. Творчество современных авторов как Исажон Султан, Хуришид Достмухаммад, Улугбек Хамдам, Зулфия Куролбой кизи, Абдукаюм Юлдаш, Назар Эшанкул затрагивают такие вопросы, как человек и общество, семейные отношения, личность и общество, экзистенция человека, которые описываются с элементами модернизма и постмодернизма. Данная статья посвящена сравнительному анализу рассказов известной сирийско-ливанской писательницы арабского происхождения Гада ас-Самман (Дамаск, 1942 г.р.) и узбекской писательницы Зулфии Куролбой кизи (Джизак, 1966 г.р.). В статье рассматриваются такие вопросы, как мастерство психологического анализа авторов, образ матери и интерпретации «материнской» психологии в художественной литературе в рассказах писателей двух народов, роль ребёнка в судьбе матери, влияние бесплодия на судьбу и психологию женщин, а также столкновение идей в трудах авторов.

Опорные слова и выражения: Гада ас-Самман, Зулфия Куролбой кизи, рассказ, «Рассвет у окна», «Год без лета», «Горящий город», «Последний стражник», «Жертва одиночества», образ матери.

Abstract. Over the years of independence, our national literature has been developing rapidly and in recent years has gone through various stages of the literary process. In the works of modern authors like Isajon Sultan, Khurshid Dostmuhammad, Ulugbek Khamdam, Zulfiya Kurolboy kizi, Abdukayum Yuldash, Nazar Eshankul such issues as people and society, family relationships, personality and societies, and human existence are described with elements of modernism and postmodernism. This article is devoted to a comparative analysis of the stories of the famous Syrian-Lebanese writer of Arab origin Gada as-Samman (born in 1942, Damascus) and the Uzbek writer Zulfiya Kurolboy kizi (born in 1966, Dzhezak). The article discusses such issues as the mastery of psychological analysis of the authors, the image of the mother and the interpretation of "mother" psychology in fiction in the stories of writers of two people, the role of the child in the fate of a mother, the influence of infertility on the fate and psychology of women, as well as the clash of ideas in the writing style of the authors.

Keywords and expressions: Gada al-Samman, Zulfiya Kurolboy kizi, story, “Morning at the window”, “A year without summer”, “Burning city”, “The last guard”, “The victim of loneliness”, the image of the mother.



Сурия-Ливан адибаси Гада ас-Самман (1942) ва ўзбек адибаси Зулфия Қуролбой қизи (1966) ҳикояларида инсон тақдири, хусусан, Шарқ аёли қисмати ва унинг руҳиятига таъсири масаласи доимо етакчи ўринни эгаллаган, икки миллат адибалари ижодидаги муштараклик ҳам айнан шу жиҳатда намоён бўлади. Гада ас-Самманнинг “Деразадан мўраларди тонг” ҳамда Зулфия Қуролбой қизининг “Ёзсиз йил”, “Куйган шаҳар” ҳикоялари “Она” образи ва унинг руҳияти тасвири масаласига бағишланган бўлса, Гада ас-Самманнинг “Охирги куш қўриқчилари” ҳамда Зулфия Қуролбой қизининг “Ёлғизлик қурбони” ҳикояларида бефарзанд аёл қисмати ва унинг аламли руҳий кечинмалари талқин этилган.

“Деразадан мўраларди тонг” ҳикоясида меҳрибон ва жонкуяр серфарзанд она образи гавдалантирилган бўлиб, ҳикоя сюжети “она” образининг турмуш ўртоғи ва фарзандлари ўртасидаги муносабатлари асосига қурилган. Қаҳрамонлар ички дунёси, руҳий ҳолатини очиб беришда ёзувчи портрет, ўхшатиш ва ички монологдан унумли фойдаланган. Ёзувчи бош қаҳрамон билан боғлиқ лавҳаларда унинг психологик портретини яратар экан, аёл қалбининг нозик туйғуларини она меҳри енгиб чиққанини маҳорат билан ифодалайди – аёл турмуш ўртоғини қанчалар яхши кўрмасин, фарзандларига бўлган меҳрини ҳамда она ва бола муносабатларини оилада биринчи ўринга қўяди. Тўнғич фарзанди Мазеннинг гўдаклик чоғида вафот этиши унинг кейинги фарзандлари олдидagi масъулиятини янада кучайтиради: она ўзидан кечиб, борлигини фарзандларига бағишлайди, гўдақларини бир зум бўлса-да, ёлғиз қолдиришга қўрқади, турмуш ўртоғининг таъна-дашномларига сабр билан чидайди, бу дунёни фарзандларисиз тасаввур қилолмайди. Она – ҳар тонгни фарзандлари ухлайдиган хонадаги “қоматининг изи тушиб қолган” курсида қаршилайди. Оиладаги бу вазият сабабли турмуш ўртоғи билан муносабатларида зиддиятлар пайдо бўлади, ҳаёлида муҳаббат ва шавққа тўла ёшлик дамларига қайтиб, севикли ёри билан “ўша ҳаворанг кўйлақда” гўзал қиёфада ишқ боғларида сайр қилади, бу хотиралар ва фар-

зандлари орасидаги масъулият уни янада қаттиқ психологик ҳолатга солади – аёл депрессияга тушиб қолади, турмуш ўртоғини қаттиқ рашк қиладиган, асабий ва ваҳимага берилувчан бўлиб қолади.

Адиба Гада ас-Самман ўз ҳикояларида ўткир психологик ҳолатга тушган аёллар образига кўп мурожаат қиларкан, унинг қаҳрамон аёллари ҳар қандай оғир ҳаётини муаммолар гирдобидида ўзлигини сақлаб қолади. “Деразадан мўраларди тонг” ҳикоя бош қаҳрамони ҳам ўзидаги кучли руҳий ҳолатни енгиб чиқишга куч топа олади, фарзандлари, турмуш ўртоғи ва ўзини, ҳаётини севишни давом этади.

Шунга уйғун тасвирини ўзбек адибалари ижодида ҳам кузатамиз – ўзбек адибаси Зулфия Қуролбой қизининг “Ёзсиз йил”, “Куйган шаҳар” ҳикоялари ҳам “она” образи ва унинг руҳияти тасвири масаласига бағишланган бўлиб, “Ёзсиз йил” ҳикоясидаги Бувгул хола образида касалманд ўғлига жонини фидо қилган она тимсоли ҳамда “Куйган шаҳар” ҳикоясидаги кампир образи орқали фарзанд доғида ақлдан озган она тимсоли гавдалантирилган.

Атоқли адабиётшунос олим Умарали Норматов Зулфия Қуролбой қизи ижодига баҳо бераркан, “Зулфиянинг бир вақтлар танқидчиликда менсимай қараладиган, унча хуш кўрилмайдиган, ижтимоийликдан холи соф “кўнгил майллари нағмалари” талқини адабий тажрибалари йўлидан бориб яратган қатор ҳикоялари, айниқса, “Ёзсиз йил” ўзининг бадий-маънавий таъсир кучи жиҳатидан соф ижтимоий йўналишдаги етук асарлардан асло қолишмайди” деб таъкидлайди¹.

“Ёзсиз йил” ҳикояси сюжети мукамал ишланган бўлиб, воқеалар ривожини персонажлар руҳий-эмоционал ҳолати таҳлили билан уйғунликда тасвирланган. Онанинг автофалокат сабабли касалманд бўлиб қолган ўғлига бўлган ўзгача меҳри асар давомида кўплаб учрайдиган тифиз вазиятларда маҳорат билан акс эттирилган.

Ҳикоя қаҳрамони Собир автофалокат сабаб ногирон бўлиб қолган. Бу ногиронликнинг азобини ўғлидан кўра кўпроқ –

¹ Номатов У. Қалбдаги беназир зиё. 2010 йил. <http://normatov31.narod.ru/maqola/qbz.html>



онаизор Бувгул хола кўради. Соғлом туғилиб, айна балоғат ёшига етган фарзандининг бир умрга касалманд, ногирон бўлиб қолиши ва Машраб қисматига йўлиқишидан қаттиқ руҳий изтироб чекаётган Онанинг изтироблари ва матонати ҳикоянавис томонидан маҳорат билан тасвирланган. Ногирон ўғлининг қишлоқнинг энг сулув қизи Марваридла бир-бирига кўнгили қўйиши, уларнинг беғубор, соф муҳаббатлари ва бу муҳаббатнинг оқибатини олдиндан кўра билиш Она изтиробларини янада кучайтиради. Бувгул хола ўғлининг хоҳишига кўра, Марвариднинг уйига совчиликка боришга ўзида куч топа олади, аммо Собирнинг касалидан хабардор бўлган Марвариднинг отаси Бувгул хола ва унинг ногирон ўғлини камситиб, ҳақоратли сўзлар билан рад жавобини беради. Бу муҳаббат риштасига Марвариднинг отаси билан бирга Собирнинг акаси – Бувгул холанинг катта ўғли Маматқул ҳам қарши бўлади. Ёлғизгина Бувгул хола ўғлининг “айби”ни билса-да, уни севиқлиси Марварид билан бирга бўлиши учун бор кучи билан курашади. Аммо Марваридни отаси яқин бир қариндошига мажбурлаб узатади. Қиз қайтиб келади, уни иккинчи марта мажбурлаб қишлоқдан ташқарига – қирга узатадилар. Собир касал жонини аямай қишчилласида қирга бориб, Марваридни топади, маъшуқасидан қайтиб келиш ваъдасини олиб, уйга келади. Собир ва Бувгул хола кўксидан умидсизлик бир дам чекиниб, яшаш иштиёқи жўш уради. Аммо бу ҳолат узоқ давом этмайди. Марварид янги йил кечаси қайтишга сўз берганди, лекин ваъдасини бажаролмайди. Собир қаттиқ изтироб чекади. Барча воқеаликни кўриб турган она – Бувгул холанинг айна дамдаги изтироблари, руҳий ҳолати, унинг вужудини ёндирган оташ, ҳаста ўғил кўнгли, ороми деб чеккан заҳматлари алангаси тафти адиба Зулфия Қуролбой қизи томонидан маҳорат билан баён этилган ва ўқувчи бу ўткир психологик ҳолатни ҳар доим сезиб, ҳис этиб туради.

Уқорида келтирилган воқеалар тафсилотини ҳикоянавис психологик таҳлил орқали моҳирона тасвирлаб, ички монолог, (психологик) портрет, ўхшатиш, галлюцинация ва бошқа таҳлилий воситалар ёрдамида ўқувчига янада таъсирчан қилиб етказди.

Ҳикоя ниҳоясида ногирон ўғил ҳаёт ва муҳаббат учун бўлган узоқ курашлардан сўнг, жон таслим қилади, онаизорнинг устунга суянганча “*Мен ёмон қолдим, сен яхши бор, болам*” деган сўзларни дуодай ожизона такрорлаб ошиқ ўғлини сўнги йўлга кузатади. Ҳикоя Бувгул холанинг осмонга қараб “*Одамни эрмак учун яратиб, уни элай олмай қолганиндан кейин ўлимни ўйлаб топдингми?*”¹ дея савдойиларча шивирлаб айтган жумласи билан якунланади. Бир қарашда бу жумла шаккоклик ва тақдир ҳукмига бўлган исён каби туюлади, аммо аслида бу – она қалбидаги фарзандига бўлган илоҳий меҳрнинг сўнги – якуний тасдиғи каби янграйди.

Мазкур “Ёзсиз йил” ҳикоясини ўзининг бадиий-маънавий таъсир кучи жиҳатидан соф ижтимоий йўналишдаги етук асарлар сафига киритиш мумкин ва ундаги Бувгул хола образини ўзбек адабиётидаги янги услубдаги образ деб аташ мумкин. Муаллиф она шаънини ҳимоя қилиш ва улуғлашдек мўътабар мавзуни янада теран ва кўламдорроқ ёритган, онанинг руҳияти ва меҳрини муаззам, мунгли меҳр-муҳаббат кўшиғи тарзида баён этган.

Зулфия Қуролбой қизининг яна бир ижод маҳсули – “Куйган шаҳар” ҳикояси ҳам она руҳияти талқини масаласига бағишланган бўлиб, унда фарзанд доғида ақлдан озган она образи гавдалантирилган.

Ҳикоя бош қаҳрамонининг исми муаллиф томонидан тилга олинмайди, шунчаки Кампир дея эътироф этилади. Воқеалар тасвири Кампирнинг портрети ҳамда унинг бозорда

¹ Зулфия Қуролбой қизи. Қадимий кўшиқ. – Т., 2012. – Б. 160.



чой ва қаҳва сотиб тирикчилик қилиши тафсилотлари билан бошланади ва ўқувчига унинг ташқи кўриниши ва хатти-ҳаракатларини баён қилиш орқали руҳиятига илк чизгилар берилади:

“Кампир етмишларга борган, чўндай озгин, ияги эртактардаги ялмоғиз кампирнинг иягидай олдга туртиб чиққан, лаблари ҳаётнинг шўриши азобларини татиб кўраверганидан тиришиб-буришиб қолгандай сўлгин ва қуруқ, бурни сўппайган, киртайган кўзлари чуқур ботган – маъюс боқар, аммо жаҳли чиққанида нафақат кўзлари хунукдан-хунук чақчаяр, балки бутун юзида кўрқинчли ифода пайдо бўларди, қоқсуяк гавдаси эса хиёл эгик, лекин жуда серҳаракат, чаққон, кийимлари эса ҳамиша тоза ва оҳорли эди”¹.

Ҳикоя аввалида бош қаҳрамон ҳақида ўқувчида пайдо бўлган илк тасаввур ёзувчи томонидан аста-секинлик билан ўзгартириб борилади – Кампирнинг руҳий азоблари дунёсига ўқувчи сезмай кириб қолади ва унинг барча аламлари ва дардларини ҳис қила оладиган даражада батафсил ва тўлиқ таништирилади.

“Йўқ, у телба эмасди. Унинг хотираси инқирозга учраган, неча йиллардан буён кўрлик дунёсидан ҳам баттарроқ бир зулмат ичида, оламдаги ўзгаришлардан беҳабар, на кечанинг, на бугуннинг фарқига бормасдан, ёлғиз, ҳаттоки ёлғиздан-ёлғиз, ҳудудсиз зулмат ичида яшарди”².

Бу дунёда азоблари ва аччиқ ҳақиқатларидан паноҳ излаб, ақлидан, хотирасидан кечган аёлнинг дарди ва бу руҳий азобларининг сабаблари муаллиф нутқидан қаҳрамоннинг ички дунёсини ҳис қилган ҳолда ўта таъсирчан ва мунгли баён этилади. Кампирнинг хаёлида ҳаётининг фақат энг оғир дамлари – йигирма йил мукаддам, бозорда чой сотиб тирикчилик қилиб ўтказган даври

– худди ҳалокатга учраган вақтнинг бир парчасидай қотиб қолганди, ёши бир ерга борган, рўзгорнинг барча ташвишларидан қутилган бўлса-да, ҳамон илгаридай, яъни оиланинг бутун ташвишлари ўз гарданида бўлган вақтлардагидай куйиб-пишиб юрар, ҳолдан тойиб ётиб қолгунча бозордан бери келмас, худди битта тўғри чизик бўйлаб тинимсиз бориб-келаётгандай яшар, келажак эса назарида жуда узокда, ҳеч етиб бўлмайдигандай туюларди:

“...жисми кундан кун қуриб-қовжираб борар, гўё тириклайин мурдага айланганди, аммо бир кун бозорга чиқмаса фарзандлари оч қоладигандай мудом кўрқиб яшарди, ваҳоланки, ўзи кўрққан даҳшатли нарса аллақачон юз берганини, у бозорда юрганида уйи ёниб кетганини, қизи билан кичик ўғли олов ичида қолиб, нобуд бўлганини эслай олмасди...

Хуллас, кампирнинг хотирасида на ўтмиши бор, на келажак.... фақат бугунни – бир лаҳзалик умрни яшаб қолиши билан чекланарди”³.

Кампирнинг ўтмиши – уч фарзандининг икки нафари болалик чоғида ёниб кетгани ва бу даҳшатни қабул қилолмаган онанинг онги борликни англашдан воз кечгани маълум бўлади. Бу воқеадан сўнг йигирма йилдан ортиқ вақт ўтган, катта ўғли Акбар ҳаётда ўз ўрнини топган, катта бир лавозим эгаси, оилали ва онасини ҳеч нарсдан зориктирмай парвариш-лаётганига қарамай, онанинг тафаккури бу ҳақиқатни англамасди – ўғли Акбарни “Даврон” исми билан йигит деб биларди, набираларини эса ёнғинда вафот этган фарзандлари номи билан чақирарди. Атрофда бўлаётган ва аввал бўлиб ўтган воқеалар ҳақида фикр юритмаса ҳам, онанинг қалбидаги дард, руҳий азоблар тинч қўймасди, муаллиф томонидан бу ҳолатнинг тасвири алахсираш – галлюцинация воситасида баён этилади:

“Атрофидаги нарсаларга тикилиб ўтириб, кампир гоҳида бирдан ўзини кўланкалар

¹ <https://ziyouz.uz/ozbek-nasri/zulfiya-qurolboy-qizi/zulfiya-qurolboy-qizi-kuygan-shahar-hikoya/>

² Ўша жойда

³ Ўша жойда.



водийсида юргандай ҳис қилар, галати кайфият чулғаб олар, ҳаётининг оғир дамларини қайта ва яна қайта яшаётгандай алланималар таниши туюлар, лекин мавжуд олам билан ўзи ўртасида қандайдир ўтиб бўлмас тўсиқ бордай, тўсиқ оша назар ташлашга нимадир изн бермаётгандай, аллақандай шарпалар кўз олдидан бирма-бир ўтишига шайланиб тургандай бўлар, юраги санчиб кетар, ўзини чуқурга тушиб кетгандай ҳис қилар, мудом гувиллаган шамол эсиб турадиган чуқур... кампир чуқур деворларига тирмашиб, юқорига чиқишига уринар, аммо гувиллаган шамол овозига қўшиб, уринишларини ҳам аллақайёқларга олиб кетар, кампир эса чуқурда тиним билмай айланаверади, айланаверади...”

Хаста онасининг тонг отганидан кош қорайгунга қадар силласи қуриб, аслида эҳтиёжи бўлмаган “тирикчилик” учун чой чақа ишлаб юришидан, қолаверса, уни руҳий азоблардан қутқариш мақсадида Акбар онасини уй қамоғида шифокорлар ёрдамида даволашни бошлайди. Кампир уй қамоғида касал бўлиб қолади, бу вазият унинг асабларига салбий таъсир кўрсатади, хаёлида факт бир ўй – “болаларим уйда оч қолган, уларни боқишим керак, бозорга чиқишим керак” деб такрорларди, ҳар куни шундай дея ўзини дераза-эшиқларга уриб, ҳолдан тойиб, йиқиқларди:

“Энди у ўзини у ёқ-бу ёққа урмасди, фақат дераза олдига бориб, қўлларини икки ёнига керганча дарахтга айланарди.

– Қарга... Қарга... Кел, шохларимга қўнсанг-чи, – кампир ўзини улкан дарахтдай ҳис қиларди. – Кела қол. Нега жим туриб қолдинг? Кел, кела қол... Лекин билиб қўй, бошимга қўнмайсан!

Кампир хиёл эгилди, гўё шохларини насайтирди. Аммо кутилмаганда... қарга унинг шохларига эмас, миясига кириб олди.

– Ҳа, ярамас! Яна эски жойингни топиб олдингми? Кишит! Кишит... Оббо, яна қагиллашни бошлади! Мана бу еримда қарга

қагиллапти, – кўрсаткич бармогини чеккасида айлантириб, гудранганча уй ичида юра бошлади кампир. – Қарга... Қарга... Йўқ, мен қаргаман... Мен қарга...”¹

Ҳикоя ниҳоясида ёзувчи Кампирнинг нега бундай азобга маҳкум бўлганини, аслида унинг ақлдан озиши азоб эмас, балки унга Яратганнинг муруввати эканлигини шифокор ва Акбар ўртасидаги диалог орқали ифода этади. Аммо диалог сўнггида Акбар Яратганнинг бу мурувватига қарши исёнкорона жавоб беради:

– Доктор, – сўзни кесди йигит. – Нега бундай, а? Нега?.. Наҳотки хотирани қайтариб бўлмаса?

– Бу саволингизга тиббиёт нуқтаи назаридан жуда кўп марта жавоб берганман, – деди доктор. – Аммо айтилмаган бир гап қолди.

– Ҳўш?

– Ҳаёт ҳаддан ташқари чидаб бўлмайдиган даражага етганида, Тангрининг ўзи бандаларига мурувват кўрсатади...

– Мурувват?! Ҳали бу... мурувватми?! – йигитнинг юзига заҳарханда ва истехзога тўла таббассум югурди.

– Телбалик ҳам инсонни кўп азоблардан қутқаради.

Йигитнинг юзида азобли ва истехзоли таббассум янада бўртди:

– Аввал хароб қилиб, кейин...”²

Воқеалар Кампирнинг ғойиб бўлиши билан яқунланади, қидирувлар натижа бермайди – Кампир йўқолган хотираси сингари изсиз йўқолганди.

Икки халқ адибаларининг асарларида она образлари бир-биридан фаркланса-да, уларни бир нарса – она меҳри, муруввати бирлаштириб туради. Ер юзидаги барча оналар борки, уларнинг барчаси миллати, дини ва яшаётган даврдан қатъи назар, “болам” деб

¹ <https://ziyouz.uz/ozbek-nasri/zulfiya-qurolboy-qizi/zulfiya-qurolboy-qizi-kuylan-shahar-hikoya/>.

² Ўша асар.



яшайди, фарзанд ота учун авлод давомчиси бўлса, она учун юрагининг бир парчаси, унинг бутун дунёси, борлиғи сингари ўринни эгаллайди.

Аёл учун фарзанд қанчалар азиз неъмат бўлса, ундан бевақт айрилиш, бу айрилиқ доғида куйиш – энг аччиқ азоб, энг катта дарддир. Ва яна бир дард борки, у ҳам ҳар бир аёл учун оғир бир дард ҳисобланади, бу – бефарзандлик дарди. Биз таҳлилга олаётган икки миллат адибалари ижодида ҳам бу тоифа аёллар ва уларнинг дардларига алоҳида мавзу ажратилган. Зеро, аёл дардини ҳеч ким аёлчалик билмайди, тушунмайди. Худди шундай, аёл дардини ўз қаламининг сирдоши деб билган адибалардан Сурия-Ливан ёзувчиси Гада ас-Самманнинг “Охирги қуш қўриқчилари” ҳамда ўзбек ёзувчиси Зулфия Куролбой қизининг “Ёлғизлик қурбони” ҳикоялари айнан шу масалага бағишланган.

Гада ас-Самманнинг “Охирги қуш қўриқчилари” ҳикояси услубий жиҳатдан “Дераздан мўраларди тонг” ҳикоясидан анча пишиқ яратилган бўлиб, бу асарда адиба қаламидаги психологизм анча кучайганини кузатишимиз мумкин: ҳикоя модернистик унсурларга бой бўлиб, унда биз онг оқими, ички монолог, ассоциатив монолог, хотира кесишуви, лаҳзали изтиробларни учратамиз.

“Охирги қуш қўриқчилари” ҳикоясининг бош қаҳрамони қилиб бефарзанд ижодкор аёл образини танлайди. Маълумки, ижодкор шахс кўнгил инсонидир, у қалби билан яшайди. Ижодкор одам таъсирчан, сирли бўлади, ўз оламида яшайди. Ушбу ҳикоя қаҳрамони рассом аёл бўлиб, чизган расмларининг барида бола гавдаланади. У шу расмдаги болаларнинг бир кун бақариб, жонланиб чиқишини орзу қиларди. Унинг фарзандсизлик дарди, қалбини кемираётган азобларини адиба ёмғир детали орқали китобхонга етказиб беради. Ёмғир – рамзий детал бўлиб, у қаҳрамон ички олами, ундаги ҳукмрон соқинлик ёки аламлар вулқонини рамзий ифодалайди. Қаҳрамон ўйга толган,

маҳзун, соқин дамларида ёмғир майдалаб секин ёғади, у руҳий тушунқунликка тушган дамларида эса шиддат билан, дарди ичига сиғмай, қалби оҳ урганида эса даҳшатли овоз билан шовуллаб ёғади. Кўриниб турибдики, ёмғир қаҳрамоннинг кайфияти ва руҳий ҳолатига қараб ўзгаради, лекин ҳикоя давомида уни тарқ этмайди, реал вақт ва ўтмишга қайтган вақтларида ҳам у билан бирга, ёмғир – қаҳрамоннинг кайфияти, руҳий ҳолати ва дарду аламга тўла қалб кўз ёшлари рамзидир. Ҳикоянинг кульминацион нуқтаси эса, аёлнинг турмуш ўртоғи ҳақидаги аччиқ ҳақиқатни англашидир. Аёлнинг эри судья бўлиб, рафикаси бир куни унинг шахсий буюмлари орасидан бир талай майда қоғоз парчаларини топиб олади, уларга “айбсиз”, “айбдор” сўзлари ёзилган эди. Бу ҳолат қаҳрамон учун қаттиқ зарба бўлади, у бир умрлик ҳамроҳининг бундай ишга қодирлигига ишонгиси келмасди. Нахотки, унинг умр йўлдоши қанчадан-қанча бегуноҳ инсонларнинг ҳаётига зомин бўлган бўлса!? Айни шу дамда врач унга кўнғироқ қилиб, тиббий текширув натижаларини айтади: у фарзанд кўра олмайди!.. Аёлнинг дунёси қоронғу бўлиб кетади. Қайси гуноҳлари учун у бундай азобга маҳкум? Балки эрининг гуноҳлари учундир?

Унинг хизматкори фарзанд кутади. Шу сабабли ҳам уни ёмон кўрарди, ундан жирканарди, унга ҳасад қиларди. Ҳикоя ниҳоясида ҳомиладор хизматкорини дард тута бошлайди. Аёлни яна руҳий азоблар қамраб олади. У (хизматкори) она бўлмоқда, ҳозир чақалоқ туғилади! Аммо онаси мен эмасман, дея азобланади. Врачни чақирмайди, ҳомиладорнинг тўлғоқ азобидан ҳузурланар, ҳам қийналарди. Ниҳоят, ўзига келади: тез ёрдам чақиртиради, шифокорлар етиб келишади, чақалоқ дунёга келади.

Ушбу ҳикоя аёл зоти учун энг ёмон азоб – фарзандсизлик азоби ҳақида ёзилган. Адиба шундай аёллар қисмати қанчалар оғир эканлигини очиб берган, аммо унинг қаҳра-



мони ҳар қандай шароитда ҳам ўзлигини сақлаб қола олди, гарчи унинг қалбини алам, ҳасад тирнаса ҳам. Ҳикояда бефарзанд аёл психологияси, ички дунёси психологик таҳлил орқали очиб берилган. Ҳикояда ички монолог, пейзаж, такрор сўзлар, нуткий характеристика каби психологик тасвир воситаларидан ҳамда хотира монологидан моҳирона фойдаланилган.

Мазкур ҳикоя хотиралар билан боғлиқ бўлиб, матнда ҳеч қандай огоҳлантиришсиз қаҳрамон ўтмишига қайтилади. Хотира жойларини матнда тўқ қора қилиб қавс ичида ажратиб ёзиш билан чегараланилади. Буларнинг бари ёзувчи услубига хос бўлиб, кўриниб турибдики, ретроспектив сюжетда воқеа-ҳодисаларни баён қилиш адиба услубига киради. Адиба ўз услубида ретроспектив сюжетдан фойдаланиб, асарларида қаҳрамон психологик ҳолати тасвирини кучайтиради, чунки “ретроспектив сюжет қаҳрамонларни мураккаб ҳолатга солиб кўйиб, уларни олдинги тақдирига қайтаради, қаҳрамоннинг ҳозирги ҳолатига тушиб қолишига сабаб бўлган шароитларни баён этади. Бу эса, ўз навбатида, персонажларнинг аҳвол-руҳиятига, характери ҳамда келажагини ҳам тасаввур қилишга имкон беради. Ретроспектив сюжет эндиликда персонажнинг олдинги ҳаётини бериш воситасидан уларнинг ички дунёсини таҳлил қилиш воситасига айланиб қолди”¹. Гада ас-Самман ҳам ўз ҳикояларида ретроспектив сюжетдан моҳирона фойдаланиб, персонажлар ички дунёси, психологияси, воқеалар мазмуни ва ривожини очишга, шунингдек, психологик таҳлилни кучайтиришга эришади.

Шу мавзуга бағишланган ҳикоялардан яна бири Зулфия Куролбой қизининг “Ёлғизлик қурбони” ҳикояси бўлиб, унинг бош қаҳрамони Тамара хола исмли бефарзанд ёлғиз аёл. Одатда, бефарзанд оилалар айнан

шу муаммо сабабли, маълум муддат ўтганидан сўнг ажрашиб кетадилар, аммо уларнинг орасида узоқ йиллар мобайнида то умрининг охирига қадар бирга ҳаёт кечирийдиганлари ҳам бор – бундай жуфтликлар бир-бирига меҳр-муҳаббати жуда кучлилиги ёки бир-бирларига қаттиқ ўрганиб қолганликлари сабаб ажрашмайдилар. Ҳикоямиз қаҳрамони Тамара хола ва унинг турмуш ўртоғи Улфат ака сўнгги тоифа вакиллари бўлиб, умрларининг охирига қадар бир-бирини тушуниб, иноқ яшаб келганлар.

“Мана, мен соғлом аёл бўлатуриб, бепушт эркак билан ёш умримни хазон қилганимга ҳеч қачон пушаймон бўлмадим-ку! ... Дўхтирлардан: “Эрингиз ҳеч қачон фарзандлик бўлолмайди, умид қилманг” деган гапни эшитганимда, йигирма етти ёшда эдим. Шартта ажрашиб кетсам бўларди. Аммо бундай қилмадим. Лаънати қўрқув панд берди. Иккинчи эрим Улфат акамдек меҳрибон, садоқатли бўладими-йўқми, деган хавотирдан қўрққаним туфайли ҳам у кишидан ажралгим келмади. Рост-да, қамчисидан қон томадиган эркакка йўлиқиб қолсам нима бўларди? Улфат акам учун менинг сўзим қонун эди. Мен шунга, шундай муомалага ўрганиб қолгандим. Улфат акам шунчалар меҳрибон ва ширинсўз эдики, мен бундай одам дунёда ягона деб ўйлардим, бунга қаттиқ ишонардим”².

Гарчи Тамара хола турмуш ўртоғининг бепуштлиги сабабли оналик бахти ва фарзанд неъматидан бебаҳра қолган бўлса-да, бегона бир гўдакни асраб олиб, унга она меҳрини беришга тайёр эмасди, назарида агар фарзанд асраб оладиган бўлсалар, ҳозирги мавжуд тинч ҳаётларидан айрилардилар. Тамара хола фарзандсизликдан кўра, фарзандли бўлишдан кўпроқ кўрқар эди – уларнинг наздида фарзанд доимо ўз ота-онаси учун муаммо туғдирадиган, муаммо

¹ Сақимов А. Ўзбек романи поэтикаси. Фил.фан.док. илм.д.о. – Т., 1993. – Б. 323.

² Зулфия Куролбой кизи. Қадимий кўшиқ. – Т.:Ўзбекистон, 2012. – Б. 208.



бўлганда ҳам, йиллар давомида фарзанд улғайгани сари ўзи билан баробар катта бўладиган муаммолар гирдоби эди. Шу сабабли, Улфат аканинг синглиси Дилдоранинг тўққиз нафар ўғлидан бирини ўғил қилиб асраб олиш таклифига ҳам, болалар уйдан чақалоқ асраб олишни маслаҳат бериб, бу борада ёрдам беришни ўз бўйнига олган танишларига ҳам – “Бировнинг боласи бизга чин фарзанд бўла оладими-йўқми?” деган шубҳали ўй-хаёллар билан рад жавобини берадилар. Улфат ака ва Тамара хола, бир сўз билан айтганда, ўзларининг беташвиш ҳаётларидан мамнун эди.

Тамара хола бефарзандлик ва ёлғизлик азоби нима эканлигини Улфат аканинг юрак хуружи сабаб кутилмаганда вафот этганидан кейин тушуниб етади.

“Унинг яшагиси ҳам келмай қолганди. Ажалнинг кириб келишини кутиб ўтирманми? Уни ўзим чақириб қўя қолсам-чи? Бу дунёда қиладиган ишим қолмади ҳисоб. Очиқ мазордек хувиллаб ётган уйга тириклай кўмилгандай яшашнинг кимга кераги бор? Эртароқ ёнига борсам, балки эрим хурсанд бўлармиди...”


Ёлғиз қолган аёл ҳаётдаги ягона суянчиғи – турмуш ўртоғидан айрилгандан сўнг, умрини мазмунсиз ва мақсадсиз бўлиб қолганини англайди. Ҳикоя давомида Тамара хола образи орқали муаллиф Инсон зотининг яшашдан асл мақсади ва унинг умрини мазмунли, маъноли қилиб турувчи нарса, аслида, оилавий ришталар ва шу ришта давомчилари бўлмиш фарзандлар эканлигини ўқувчига танқидий муносабат орқали кўрсатишга, Тамара холанинг ички монологлари ва хотиралари орқали унинг руҳиятини очиб беришга уринади.

“Раҳматли эрига қанчалар боғланиб қолганини мана энди, уни йўқотганидан кейин аввалгидан-да чуқурроқ англади. Худди чўққига чиқиб, атрофига назар солган одамдай бирдан юрагини кўрқув чулғади. Чунки атрофида ҳеч ким йўқ эди-да! Бу аҳволда яшаи

огир эди. Азоб эди. Азобки, чеки-чегараси йўқ... Ёлғизлик, қайғу-алам, армон – ҳаммаси жамланиб, бир бутун тошга айланиб юрагини шундай эзадик...”¹

Бу ҳаётда мақсадсиз ва ёлғиз бўлиб қолган Тамара хола яқка ўзи боқий дунёга рихлат қилади – уни ўлим тўшагида ажал билан олишиб ётганида на сўнгги дамда бир томчи сув берувчи ва на вафотидан сўнг қабрга кўювчи бирор инсон бўлмайди.

Ҳар иккала адиба ижодини таҳлил қилар эканмиз, унда аёллар мавзуси, уларнинг дарди ва руҳий дунёси талқини муаллифлар ижодида асосий мавзулардан бири эканлигига амин бўламиз. Зотан, бугунги глобаллашув жараёнида аёл шахси ва унга бўлган ижтимоий муносабат давлатимиз сиёсати даражасига кўтарилган бир даврда, инсон ҳаётининг қоғоздаги акси бўлмиш – бадиий адабиётда аёллар мавзуси ўзининг салмоқли ўрнига эга бўлиши табиий хол. Ижодкорлар “Аёл” образини қай кўринишда ифодаламасин – она, севикли ёр, опа-сингил, раҳбар, олима, у барибир энг нозик хилқат ва меҳрмуҳаббат тимсоли бўлиб қолади.



¹ Зулфия Куролбой қизи. Қадимий кўшиқ. – Т.: Ўзбекистон, 2012. – Б. 209.